

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 6 сентябрь, шанба © № 205 (6. 096) © 1986 йил 6 сентябрь, шанба Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитети

Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 4 сентябрь кунин бўлиб ўтган мажлисида кузги дала ишларини жадаллаштириш ҳамда колхозларни, совхозларни ва агроноат комплексининг бошқа корхоналарини қиш пайтида ишлашга тайёрлашни ниятига етказиш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни кўриб чиқди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсификация қилишда кўпгина хўжаликлар дуруст ҳосил етиштирилганлиги ва ўрмон-ийги ишларини муваффақиятли тугаллаётганлиги қайд этилди. Ҳозир ўрмон маркази мамлакатнинг шарий районларига қўнди.

Кузги дала ишларининг бутун комплексини ҳамда колхозлар, совхозларни ва агроноат комплексининг бошқа корхоналарини қишга тайёрлашни ўз вақтида ва сифатли қилиб ниятига етказиш халқ хўжалигидаги энг муҳим вазифа деб белгиланди. Бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши ҳозирги озиқ-овқат бўла-диган ахборотнинг янада тўла-тўқис қилиниши учун белгиланган аҳамиятга эга бўлади.

Сиёсий бюронинг мажлисида озиқ-овқат ва қиш ишлаш тармоқлари учун технология асос-уқуналарини ишлаб чиқаришни янада кў-

лайтириш масаласи кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан қабул этилган қарорда СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзгор асбоблари министри-нинг озиқ-овқат индустрияси учун асбоб-уқуналар ва материаллар яратиш ҳамда уларни қўллаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш масъулияти юклатилган бошқа министрликлар ва идораларнинг диққат-этибори бу ишдаги жиддий камчиликларга қаратилди. Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзгор асбоблари министрлиги техникавий даражаси ҳамда сифати паст асбоб-уқуналар ишлаб чиқарилишига йўл қўймоқда, бу эса партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитетининг Пленумининг қароридан даражага мос келадиган техника ишлаб чиқариш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига мувофиқ эмас. Сиёсий бюро озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида агроноат комплексининг корхоналарини сервиз, замонавий техника билан кўпроқ таъминлаш проблемаларини жадал ҳал этиш муҳимлигини таъкидлади. Саноатнинг қайта ишлаш тармоқларига озиқ-овқат маҳсулотларини олиштириш юксак самарали технологиясини жорий қилиш имконини берадиган, озиқ-овқат молларини қадқоқлаб ўрайдиган

машиналар системасини ишлаб чиқиш белгиланди. Асбоб-уқуналар ишлаб чиқарувчи министрликларга айрим машиналарни ишлаб чиқаришдан комплекс автомат линияларини ишлаб чиқаришга ўтиш, тайёрланадиган асбоб-уқуналар сифатини анча яхшилаш, партия комитетларига эса белгиланган программанинг амалга оширилиши устидан контролни қўйиш тақлиф этилди.

Ҳукуматнинг 1987 йил 1 январидан бошлаб СССР Денгиз флотини министрлиги бўлинишларини тўла хўжалиқ ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқулланди. Министрлик пароходчиликлари ва корхоналари янги-ча шароитда ишлаб, ўзининг илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ва социал ривожланишини ўзи ишлаб топган маблағ ҳисобидан таъминлайдиган бўлиши кўзда тутилди. Ходимларнинг пировард меҳнат натижаларини яхшилаш учун масъулияти ва моддий манфаатдорлиги оширилди.

КПСС Марказий Комитетининг СССР Министрлар Советининг Вольжск автомобил заводида жаҳон автомобилсозлигининг истиқбол даражасига мос келадиган энгил автомобилларнинг конструкцияларини яратишнинг жадаллаштиришга оид қарори қабул этилди. Шу беш йилликдаёқ дунёдаги энг ях-

ши намуналардан қилинмай диган кўрсаткичларга эга бўлган замонавий автомобиллар яратилишини таъминлайдиган бир қанча қатта тадбирларни амалга ошириш белгиланди. Шу мақсадда махсус турдаги асбоб-уқуналар ва приборлар билан таъминланган тажриба — саноат базаси билан бирга фан-техника марказини ташкил этиш кўзда тутилди. Саноатнинг ёндош тармоқлари министрликларига юксак техникавий даражадаги автомобиллар ишлаб чиқариш учун зарур материаллар ва комплектлар буюмларини ишлаб чиқишни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш топшириқлари берилди.


Сиёсий бюро ўртоқ Н. И. Рижковнинг МХРП Марказий Комитетини Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Советининг Раиси Д. Содном билан қилган суҳбатлари якуниларини маъқуллади. СССР билан МХР ўртасида иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг даъвомини ва формаларини олий даражада яқинда бўлиб ўтган Совет — Монғолия учрашувида эришилган ахборотлар руҳида янада бойитишдаги иш КПССнинг СССР билан МХРнинг қардошларча ўзаро баҳам-жihat алоқалари самарадорлигини социализм ва тинчлик иши манфаатлари йўлида чуқурлаштириш ва юк-

салтиришга қаратилган доний бўлига тўла-тўқис мос бўлиб тушиши таъкидланди.

Сиёсий бюро ўртоқ Е. К. Лигачевнинг Жазоир Миллий озодлик fronti партияси Марказий Комитетини Сиёсий бюросининг аъзоси, Доний секретариатининг раҳбари М. Ш. Мессадия билан ўтказилган учрашуви тўғрисидаги ахборотини тинглади. М. Ш. Мессадия Жазоир Халқ Демократик Республикасининг президенти, Миллий озодлик fronti партиясининг Бош секретари Ш. Бинжадиннинг КПСС Марказий Комитетини Бош секретари М. С. Горбачева ёзган шахсий мактубининг топшириқ эди. СССР билан ЖХДР ўртасида турли соҳадаги дўстона ҳамкорлик самаралари ривожланиб бораётганлигини мамнуният изҳор этилди, Совет Иттифоқи Жазоирнинг муштарак сиёсий йўлини қўллаб-қувватлаш, империализм ва реаксия кирдирилари қарши курашаётган Жазоир халқи билан бирдамлик позициясида доний турганлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси иқтисодий ва социал қурилишнинг, шунингдек халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташқи сиёсат фаолиятининг баъзи бошқа масалаларини ҳам муҳома қилди.

Замондошимиз



Юксак баҳо

«Куйловчи ликобчалар» — Тошкент грам-пластинкалар заводи маҳсулотларини баъзан ана шундай деб ҳам аташди. Улар деярлик ҳар бир хонадонда бор. Корхона ўз маҳсулотларини хатто бошқа ўрта Осиё республикаларига, Урал ва Сибирга ҳам етказиб беради. Ҳозир завод йилига қарий 21 миллионга «куйловчи ликобчалар» ишлаб чиқараяпти.

Этибор берган бўлсангиз, сўнгги вақтларда грампластинкаларнинг товуши бирмунча тиниқлашди. Бунинг боси корхонада маҳсулот сифатини яхшилаш, заводни тубдан реконструкциялаш ишлари олиб боришмоқда. Жумладан, кўрам конвертларини босадиган «Планета» офсет машинаси, янги пресс-автоматлар, Ленинграднинг «Полиграфмаш» заводида тайёрланган фотосурат теруви комплекс ўрнатилди. Қайта қуриш деярлик барча ишлаб чиқариш жараёнларига, барча хизматларга таъсир этади. Истиқболда ҳатто куйловчи видеоаппаратлар ишлаб чиқариш мўлжалланаяпти. Бу корхона коллектив зиммасига, айниқса инженер-техник ходимлар, слесарь-созловчилар зиммасига юксак масъулият юкляди. Ана шу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Жумладан, корхонада зарядчи слесарлар ва соловчи слесарлардан ягона комплекс бригада ташкил этилди. Ҳозир соловчи слесарларга талаб кўпроқ бўлгани учун улар

зарядчи ҳаммасларига ўзига хос мураббийлик қилишяпти.

Корхона реконструкциясига салмоқли ҳисса қўшаётганлардан бири ана шу бригаданинг аъзоси Алексей Васильевич Лапочкин. У заводида 155-ўрта ҳунар техника билим юрти-ни битириб келган эди. Ҳозир коллективнинг энг илгор, новатор ишчиларидан бири ҳисобланади.

— Алексей Васильевич 3-разрядга эга бўлса ҳам ўз иқтисодини мукамал билади, пухта техник маълумотга эга, — дейди корхона пресслаш цехининг бошлиғи Александр Валентинович Земсков. — Намунали ахлоқи, тошхирларини сидқидилдан бақариши билан коллектив ҳурмат-этиборини қозонган. Цех касбада союз комитетининг аъзоси сифатида физкультура ва спорт ишларини олиб боради.

Цех бошлиғи А. Лапочкин ҳақда гапириб: «У билан мен бемалол разведкага борган бўлардим» деди. Бунга бирор нарсани қўшимча қилиш қийин. Солиқ фронтчилар бунинг нисбона берилган нақадар юксак баҳо эканлигини яхши билишди.

СУРАТДА: соловчи-слесарь Алексей Васильевич Лапочкин.

Т. Каримов фотоси.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетиде

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети навбатдаги мажлисида ободонлаштириш Бош бошқармаси фаолиятидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Сўнгги вақтларда бошқарма бўлинишлари фаолиятидаги жиддий камчиликлар республика ва маҳаллий матбуот саҳифаларидаги мақолаларнинг мавзуси бўлиб қолди. «Правда Востока», «Ташкентская правда», «Комсомолец Узбекистана», «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинган мақола-ларда ободонлаштириш Бош бошқармаси хизматлари ҳамда бўлинишларининг иш қониксизлиги, уларнинг раҳбарлари ўз вазифаларига масъулиятсиз билан муносабатда бўлаётганликлари кўрсатиб ўтилган эди.

Текшириш шунинг кўрсаткичи, қўрилган тадбирларга қарамай, бир қатор микрорайон, янги ўй-жой массивлари, ўз қолган ташлаб қўйилган, антисанитария ҳолатида. Шаҳарнинг кўпгина майдонлари, хибоналари, кўчалари ва магистралларнинг қиёфаси қаттиқ танқид қилишга арзийди.

«Автодормехбаз» трестининг бир маромда ишламаслиги туфайли шаҳарнинг турли районларида рўзгор чикиндилари тўпланиб қоляпти, уни ижозатсиз ақиб юбориш ҳоллари содир бўлмоқда. Шаҳар чикиндилари тўқналаган жойда чикиндиларни ахратиш системасиз олиб боришмоқда. Ободонлаштириш Бош бошқармасининг рўзгор чикиндиларини қайта ишлаш заводи сўнгги йилларда тўла қувват билан ишламаяпти, чикиндиларни қайта ишлаш плани мунтазам бажариламаяпти.

Район ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги кўл билан сулуриш хизмати нисбона қониксиз ишляпти. Бир қатор бошқармаларнинг шатлариде тўла меҳнат интизомини бузиш ҳоллари содир бўлмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1985 йил 15 августда қабул қилган «Тошкент шаҳри ирригация хўжаликлари янада яхшилаш тўғрисидаги қарориде кўрсатиб ўтилган камчиликлар шун пайтгача бартерфат этилмаган. Шаҳар ирригация тармоғи евалгидек ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва антисанитария ҳолатида ётибди. Селор, Қорақам, Қорасу, Қорасу каналларининг айрим участкалари, кўпгина ички квартал ирригация тармоқлари бузилган, рўзгор чикиндилари билан тўлиб қолган. Бу қўлчиға кўчалар, йўллар ва инженерлик коммунал-кацияларини сув босишга олиб қеляпти.

«Ешлук» журналы ва «Узбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган мақола-ларда танқид қилинганга қарамай, ободонлаштириш Бош бошқармаси, ирригация, кўк-лазорлаштириш ва гидротехника ишхоналари трести, ободонлаштириш район бошқармалари раҳбарини ҳаузагача шаҳарини ободонлаштириш масаласига ўз муносабатларини қайта қурганича йўқ.

Мевали ва манзарали дарахтларни парвариш қилиш қониксиз бузилган, ўз вақтида зарур бўлган агротехник тадбирлар ўтказилмаслиги туфайли дарахтлар қуриб қолмоқда, натижада шаҳар ҳар йили кўп миқдорда моддий меблагини йўқотмоқда.

Йўл-кўприк хўжалигини сақлашни тубдан қайта қуриш тақозо этилади. Кўпгина магистраллар, кўчалар, шунингдек йўлқалар ўз қолганга ташлаб қўйилган, уларни капитал ва жорий ремонт қилиш қури-лиш нормалари ҳамда қонда-ларидан жиддий чекиниш би-лан амалга ошириляпти.

Шаҳар кўчалари ва микро-районларини номлаш, уй-жой-ларини номерлаштириш шун пайтгача тартибга солинган эмас.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги ревизияси натижаси бўлига Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1986 йил 31 мартдаги қарориде кўр-

сатиб ўтилган молиявий-хўжа-лик фаолиятидаги жиддий кам-чиликлар бартерфат этилмаган. Бош бошқарма бўлинишлари плансиз, титулсиз ва маблаг манбалари билан таъминлан-маган объектларде иш бажари-лиши давом этирмоқдалар.

Сметадан ташқари ҳаракат-ларга йўл қўйиш, ошириб ёзиш ва ҳисоботини бўаб қўрсатиш, қонунсиз муқофотлар билан тақдирлаш, шат-молиявий ин-тизомини бузиш ҳоллари бар-хам топган эмас. Ўзбекистон ССР республика халқ контроли комитети томонидан 1986 йил апрелида ўтказилган текши-риш давомидигана 78 минг сўмликдан зиёд моддий мате-риал ва қонунсиз тўплаган му-л маблағи етишмаслиги аниқ-ланди.

«Автодормехбаз» трести-нинг ўрта автохўжалиғида 71 машинадан олтинган қисмлар 24 минг сўмин ташкил этишини аниқланди. Биргина Киров рай-он автохўжали-йўл механиз-ация босимида 5,3 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етишмайди-ган машиналар мажмуидиға маълум бўлди. Фрунза район базасида эса йўл арақаларига босиб ўтилган йўл, ташкилган оқ ҳа-жми умуман кўрсатилмайд.

Трестнинг автохўжалиғи юк обороти бўйича планини муни-тазам бажармай қеляпти. Текширилган тўрта автомо-биль хўжалиғида ошириб ёзил-ган юк ҳажми 19,5 минг тон-на ва 627 минг тонна-кило-метр юк оборотини, қонунсиз тўплаган муқофотлар 8,1 минг сўмлик, иш ҳақи 7,8 минг сў-мин, ҳисобдан қиқариб ташлан-ган бензин 1044 сўмликни таш-кил этади. Трестде автотранс-портнинг ишга қиқиш қонфи-циенти паст.

Ободонлаштириш Бош бош-қармаси техника хизмати иши-ни назорат қилишни, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни жорий этишни сўсайтириб юборган. Янги тех-никани жорий қилиш юзасидан йил йилдан-йилга бажарила-май қеляпти. Масалан, 1984 йилда планлаштирилган 21 тадбирдан 17 теси, 1985 йилдаги 20 тад-

бирдан 13 тасигина жорий этилган. Шу йилнинг ўтган ярим йилида эса 44 та тадбирдан 17 теси жорий этилган. Бу эса йиллик планининг 39 про-центини ташкил этади. Жар-қўрган нефтини қайта ишлаш экспериментал қурилмаси қу-рилиши ўн йилдан бери қўзи-либ келмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчилик-лар ва нуқсонлар Бош бош-қарманинг кўпгина бўлиниша-рида ҳўкм суриб қелятган хўжасизлик, ишлаб чиқариш ва ижроилик интизомининг паст-лиги, қадарлари тавлаш ва жой-жойга қўйишдаги қато-лиқлар, идораларга қарашли бўлган хизматлари назорат қилиш сўсайтанлиги, матбуот қўрсатиб ўтилган танқид-ларни ободонлаштириш Бош бошқармаси раҳбарлари ино-батга олмаётганлиги натижаси-дир. Улар ҳаузагача шун қун-таблари руҳида ўз иш услуб-ларини қайта қурганларича йўқ.

Идораларга қарашли хизмат-лар иши етарли назорат қи-линмаётганлиғи туфайли ша-ҳар ободончилигини тақомил-лаштириш юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комите-ти қабул қилган қарорлар ба-жариламай қоляётганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти-даги жиддий камчиликлар, республика ва маҳаллий мат-буотдаги танқидларга сўст эътибор берганилиги учун То-шкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи О. С. Расуловни, Бош бошқар-ма бош инженери А. П. Мет-виенко, Бош бошқарма бош-лиғининг ўринбосари О. У. Хидировни, «Автодормехбаз» трестининг бошқарувчиси Ш. Т. Мирзаяевни эгалаб тур-ган лавозимларидан озод қи-лишга қарор қилди. Ободо-нлаштириш Бош бошқармаси бўлими ва хизматлари ишини назорат қилишни бўшаштириб юборганлиги, қўл остидаги-ларга талабчанлигини сўсайти-рганлиги, шаҳарини ободонла-штириш ва санитария ҳолатида камчиликларга йўл қўйганлиги

Мазкур масалани халқ депу-татлари шаҳар ва район Со-ветларининг ижроия комитет-ларига қарашли техник совет-ларга, кенгаш ва бошқа кол-легия органларда бошқарма ва бўлинишларини барча ходи-млари иштирокида муҳомаа этиш тавсия этилди.

Район ижроия комитетлари-га бир ой муддат ичиде обо-донлаштириш район бошқар-маларининг фаолиятини ўрга-ниш ва улар фаолиятини тақо-миллаштириш юзасидан қў-шимча тадбирлар қўришни ҳи-собга олган ҳолда ижроия ко-митет мажлисларида улар раҳ-барларининг ҳисоботларини тинглаш тақлиф этилди.

Яна дуранг

кички ярим бошланди. Оқ до-наларининг соҳиб бўлган Ана-толий Карпов дебюта бирмун-ча устуниқини қўлга киритди. Г. Каспаров усталик билан ва-зятини теңлаштирди. 40-юрши-дан кейин томонлар дурангга рози бўлишди. Шундай қилиб 7:6 ҳисобида Гарри Каспаров ҳамон олдинда бормоқда.

Чемпион олдинда

Софиядаги совет гроссмейс-терлари Майя Чибурданиде ва Елена Ахмиевскага ўртаси-да жаҳон биринчилиги учун ўтказилаётган матчининг учин-

чи партияси дуранг билан ақунланди. Бу ерда 1,5:0,5 ҳи-собида жаҳон чемпиони М. Чи-бурданиде олдинда бормоқ-да.



ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ—

ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИККА

Коммунистлар—мусобақа пешқадамлари

ЎРНАК КЎРСАТИБ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номида тиквучлик ишлаб чиқариш бирлашмаси комплекс бригадасининг партия-группи, тиквучи-моторист Аниса Баратова смена топириқларини бир янги барабар ошириб баҳара бошлади. Цехни реконструкциялаш, янги машина-уқуналар ўрнатиш унинг ва дугоналарининг меҳнат уюмдорлигини оширишга ерд берди.

— Партия группасининг коммунистлари ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан қайта жиҳозлашда актив қатнашди, — дейди А. Баратова. — Янги машина-уқуналар ўрнатилишидан анча аввал ишчилар уларни ўргандилар, шунинг учун ҳам анча тизим иш маромига ўттиш оғир бўлмади. КПСС аъзоларини энг масъулиятли участкаларга бикринтиб қўйишга қарор қилинди. Масалан, шундай тақсимотдан кейин М. Жўраева ва Х. Юсупова тикилаётган қостюм деталлари сифатидан ташқари машина-уқуналарини ишлашнинг ҳам қузаитиб бора бошладилар. Бошқа коммунистлар ҳам зиммаларига шундай вазифаларни олдилар.

— Одат бўлиб қолган эски ишларни шу

қисқа вақт ичиде тарқ этишда партия группасининг ёрдами айнакча сезиларли бўлди, — дейди бригадир Л. Турдиева. — Коммунистлар барча технология ўзгариш-лардан кейин иш сифатида алоҳида эти-бор бердилар. Энди ишчи зағотовкани ол-гач уни синчиклаб текшириб чиқди. Ба-шарти нуқсони бўлса, зағотовкадан нуқсон бартерфат этилиши учун уни қайтариб бе-рилди. Шундай қилиб камчиликка йўл қўйиш тиквучи-мотористнинг меҳнатда қўлланган коэффицентини пасайтириб ю-борилди.

Ҳозир бригаддаги 44 кишидан 36 наф-ри ўз олдиға қўйилган вазифаларни му-ваффақиятли бажаришдан ташқари янги-лиги марраларини ҳам белгилаб олмоқда. Коммунистларнинг тақлифларига биноан Улуғ Октябрнинг 69 йиллиғида келаси йилнинг январь ойига мўлкалланган кўр-саткичларга эришишга ва ҳар кунин 650 та қостюм тикиб чиқаришга қарор қилин-ди. Бригада бутун ишларни қайта қуришга қадар кунига 300 та қостюм чиқарар эди, холос.

(ЎзТАГ мухбири).



«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бир-лашмасида тайёрланаётган хилма хил три-котаж буюмларининг сифатли ва харидор-лар бўлишида ёш ишчи Т. Нуренининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У экспериментал цехда гул кўчирувчи бўлиб ишляпти. Бу

ишчининг ҳаммаслари зиммасидаги вазифа-ни иштиёқ билан бажариши, интизомли ва серғайратлиги учун ҳўрмат қилишяпти.

СУРАТДА: гул кўчирувчи Т. Нуриева.

Беш йилликда респу-бликада янги табиий ёнил-

7 сентябрь—нефть ва газ саноати ходимлари кун

НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШНИ КЎПАЙТАЙЛИК

КПСС XXVII съезди нефть ва газ саноати ходимлари олдиға ёнил-ги-энергетика комплексини ҳар томонлама мустаҳкам-лаш вазифасини қўйди. 5 сентябрь кунин Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиғи ютуқ-лари кўргазмасида мазкур тармоқ ходимларининг про-фессорал байрамига бағиш-ланиб ўтказилган тантанали мажлисида ана шу вазифани ҳал этиш йўллари тўғрисида гапирилди.

Беш йилликда респу-бликада янги табиий ёнил-

ги қонлари ўзлаштири-лади, неча юзлаб километр узунлиқдаги газ қуварлари, регионда биринчи нефть қу-ври бунёд этилади, ком-прессор ва нефтин қайта ишлаш станциялари, ер ости газхоналари қурилади.

Йилигишда тармоқ меҳ-натчилари беш йиллиқни яхши бошлаганликлари ай-тди. Йил бошидан бери планга қўшимча ўн миңгитлаб тонна нефть ва ми-ллионлаб кубометр газ қазиб олинди.

Газчилар, нефтчилар, қу-

рувчилар, транспортчилар ўз зиммаларидаги вазифа-ларни муваффақиятли ба-жариш учун бутун қуч-ғай-ратимизини сарфлайди, деб ишонтиришлар. Бу вазифа-ларини бажариш қузағ-қилиш шароитларида ишлашга тай-ёгарлик бораётган даврда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тантанали йиллиғида Ўз-бекистон Компартияси Мар-казий Комитетининг секре-тари В. Н. Лобко иштирок этди.

(ЎзТАГ).



Хикматнома

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР

- Яхшилик қилишга ўрганган одам дарёга ўхшайди, донм дарё саҳоватидан нб-рэт олиш керак.
- Ширин дандан ширин мева етиш-гайден, яхшиликнинг таги ҳам яхшиликдир.
- Яхшилар йиғилган жой — бўстонга ўхшайди.
- Яхши одам яхшилик қилиши билан яхши.
- Қоғоз гулга булбул қўймайди, ёлгон-чига ҳеч ким қўнтил қўймайди.
- Гулнинг шайдоси кўп, вафодори — булбул.
- Ёлгончилик — одамнинг энг хавфли душмани.
- Нафс балосига эрк берсанг гирдобга тортлади.
- Яхши хислатга хислат қўсанг фазилатга эришасан.
- Ҳаёт қадрини билган оғу-заҳарлардан эҳтиёт бўлади.
- Ёшлик даври учқур қушдек ўтади, зийрак одам ундан баҳраманд бўлиб қолади.
- Гулга гул пайванд этилса чиройли гул очилади, яхши яхшига қўшилса доно етилади.
- Гузаллик яратаман десанг, меҳнат билан ошно бўл!
- Хулқи чиройли одам — мукаммал одам.
- Муомалани билган — дилини асир этади.
- Яхши ният — муродига етади.
- Кун ҳам яхши, тун ҳам яхши, аммо ҳеч тўхтаб турмайди.
- Вақтини совурган — ҳамёнидан ай-рилади.
- Яхши дўсти йўқнинг — ҳиммати йўқ.
- Доно дўстан қимматли сўз оласан.
- Одамнинг энг содиқ дўсти — она!
- Отанинг аччиқ сўзи — ҳаётнинг ши-рин сабоғи.
- Онадан қардорлигимизни етмиш ха-зина билан ҳам узиб бўлмайди.
- Онанинг муҳаббати — қуёшнинг ҳа-рорати.
- Ота-она — йўлни юлдуз.
- Ҳаёт бўстони яратган ота-онани эъ-зозлаган роҳат топади.
- Яхшилик қасрига гишт қўйган одам унутилмайди.
- Яхши сўз — ақлнинг дурдонаси.

Шифокор Абдурахим УМАРОВ тайёрлаган.

ҚИЗГИШ ТУСЛИ САЙЁРА

Коинотдан бизга энг ёр-қин қўринадиган жондорлардан бири — Марс планетаси-дир. У Қўйшдан 228 милли-он километр узоқда жой-лашган. Ер суткаси ҳисоби-да Марс Қўйш атрофини 687 кунда айланиб чиқади. Унинг Ерга нисбатан радиуси ик-ки марта кичик ва массаси ўн марта енгил эканлиги аниқланган.

Марс ўз ҳаракатида ҳар 15 йилда бизнинг сайёрамиз-

га 15 миллион километрга яқинлашади. Шундай яқин-лашув 1988 йилнинг сен-тябрь ойида содир бўлади. Бу пайтларда Марсни ки-чик телескоп ёрдамида ҳам кузатиш жуда қулай бўлади. Астроном олимлариимиз-нинг кузатиш натижаларига қараганда Марсда йил фасл-лари Ерга нисбатан икки марта узунроқ ва совуқроқ бўлади. Планетада кундузи энг иссиқ жойларда ҳарорат

Само сирлари

30 даража бўлса, кечалари 70—80 даража совуқ бўла-ди. Марс атмосфераси асо-сан карбонат, ангидриддан ташкил топган.

Марснинг сирти коинотдан тушган метеорит тошлар бомбардирмон натижасида ўқир-қўқирлардан иборат бўлиб ётади. Коинотнинг аjoyиб бу сайёраси қизғиш тупроқдан ташкил топгани учун қоронғи тушганда биз-га қизғиш тусда жилваланиб қўринад.



Тамарахоним. Бу ном фа-қатгина республикамизда эмас, Иттифоқимиз, қўлаб хорижий мамлакатларда ан-гаганда фидойи санъаткор кўнглида ифтихор туйғуларини жўш ўргандир... Унинг бетак-рор санъатини олиқшлаганла-рида қалбда кишилар бахт-саодатининг секинча садоларини янграгандир... Нима бўлганда ҳам санъаткор умр бўйи бир нарсга содиқ қолди: Одам-ларини санъат билан, ўз санъ-ати билан саодатли қилиш, уларнинг кўнглида ҳаётга, ти-рикликка меҳру муҳаббат уй-ғотишини ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Ва ҳозирги кунгача шу масъулиятини ша-реф билан бажариб келмоқ-да.

Эзгу тиллақлар. Тамарахо-ним ўзининг бутун сурури-ни, дил ҳароратини санъатга ба-ғишлади. Шу орқали одамлар кўнглига йўл топди. Устоз санъаткор ҳаётининг ушбу кутлуғ кунинда билдираётган эзгу тиллақлар янада кўпроқ, биз ҳам шу тиллақларга қўши-ламиз.

СССР халқ артисти
Тамарахоним—80 ёшдаСанъатимиз
фидойиси

«Жонли метеоролог»лар

ЭНГ ЁШ
СТУДЕНТ

Тбилисийлик Михаил Ге-лашвили деган бола жуда қўбиятчи чиқиб қолди. У уч ёшидан бошлаб ўқиш ва ёзишни билар эди. Михаил 8 йилда ўн йиллик мактаб-ни тугатди. Пионерлар уйи-да техника тўғрисида қатна-шиб, олисдан туриб бошқа-риладиган машина яратгани учун «Ёш техниклар» клу-бининг мукофотини олишга сазовор бўлди.

У бир неча марта химия бўйича бутунитиёроқ мак-таб олимпиадасининг голли-ни бўлган эди.

Ҳозир 14 ёшли Михаил Ге-лашвили Тбилиси Давлат университетининг биология

Ҳар тўғрида

факультетида таълим олмоқ-да. У студентлар ичида энг ёши ҳисобланади.

РЕКОРДЧИ
ШАҲАР

Болгарияда Мельник де-ган машҳур «рекордчи» ша-ҳар бор. Бу шаҳарда қўй-ди-қинди воқеаси жуда кам бўй беради. Шаҳар тарихида сўнгги қўйди-қинди воқеаси бундан 42 йил олдин бўлган эди. Бу ерда ўт тушиб, ав-томобиль ҳалокати деярли бўлмайди! Бу шаҳарда пен-сионерлар қўлини учун ту-ғилиш жуда камдир.

Бунинг сабаби шунки, Мельник шаҳрида атиги 300 аҳоли яшайди. Шаҳарнинг энг қулай ва ишончли транс-порти эшак ҳисобланади.

С. ҒАҒУРОВ тайёрлаган.

НЕМИС МАҚОЛ
ВА МАТАЛЛАРИ

- Қўлида кўтариб юрган одамнинг кўнглига энтик-ма.
- Арзон сованинг нархи тезда ўчирилади.
- Ёнг ақли одам ақл-сиздан ҳам биров нарсга ўр-ганади.
- Анқовлар бозорга кир-са, баққовлар қувонади.
- Очилмаган жўжалар учун қайғурма.
- Тўқ бошқ билан ақл-ли бош эгик бўлади.
- Эски даҳлат букилмас.
- Касалик телеграмма-сиз келди.
- Биров бешик, биров бо-ла учун қайғуради.
- Шиша (арақ) биносига кирган у ердан қўлтиқтайди чиқади.
- Қари кўчорининг шох-и ўткир бўлади.
- Пуч бошоқнинг қомати тик бўлади.
- Тухум ўғирлаган товўқ ҳам ўғирлайди.
- Ҳовузи борнинг балғи ҳам бўлади.
- Қўнғина фалокатлар шароб билан лаб ўртасида бўлади.
- Ҳаёт тузи дўстликдир.
- Хушчақчақлик бор жой-да соғинч бўлади.
- Мушук чарини, чўнча балчиқни хуш кўради.
- Эркак энг аввало ўзи-га нон, сўнгра қайиқ ахти-рини даркор.
- Отини эгарига, одамни кийимига қараб баҳолама.
- Омоҳ хўкиз тортаётган томонга юрди.

Куз ҳавоси даракчилари

● Агар асаларилар эрта-лаб барвақт озиқ қидириб кетса, ҳаво иссиқ ва очиқ бўлади. Улар эрталаб учиб кетмай иллари атрофида гу-виллашиб турса — ёмғирни куттиш мумкин.

● Асаларилар озуқа қиди-ришдан барвақт қайтса — эртасига ҳаво очиқ бўлади, кеч қайтса, эртасига ҳаво айнийди.

● Агар товўқлар ёмғирдан қуруқ жойга беркинса, ёмғир тез тўхтайд.

● Улар ёмғирда ҳам юрaversа ём-ғир узоқ давом этади. То-вўқлар кузда барвақт тулла-са киш илқроқ бўлади. Улар патларини тозаласа, ҳаво айнийди.

● Қора чигирткалар кеча-си анча вақтгача чириллаб турса, эртаси эрталабдан ҳаво яхши бўлади.

● Қурбақанинг қаттиқ вақиллаши яхши об-ҳаво белгиси, у сувдан қирғоққа чиқиб қурилласа ёмғирни куттиш мумкин.

● Агар турналар кузда баланд учса, куз узоқ давом этади. Турна ўйинга тушса, кун исийди. Турналар қич-қирса, ёмғир ёғади.

● Агар қуवालчанлар ер бетига чиқиб қолса, ҳаво исийди.

● Балиқ ёмғир ёғишдан олдин қармоққа тушмайди.

● Агар мол сувни кам ичиб, кундузи ухласа ёмғир бўлади.

Ҳайвонот оламида

амалга ошириш давомда ав-стралиялик тадқиқотчилар ур-ғоч гориллани сунъий уруғла-тириш ёрдамида эгиз бола-лар олишни мўлжалламоқда.

БҮРИ ВА
ҚОНУН

1973 йилда Американинг ба-лиқ манбалари ва ёввойи та-биатини ҳимоя этиш хизмати кул ранг бўрини «қирлиб ке-тиш хавфи остида» жонив-вор, деб эълон қилди. Шу йў-синда ун қирқ саккиз штатда овланган бўлиб, 1978 йили бу иборани бирмунча ўзгар-тирдилар. Янги тахрирда таъ-кидланганича, бу турнинг «йўқ бўлиб кетиш хавфи» бор де-йилди. Ҳукумат бўриларнинг

уй ҳайвонларига ҳужумлари содир бўлган штатлардагина баъзи ҳолларда уларни қоп-қон билан овланга рухсат бер-ди. Ҳаттоки 1983 йилда Мин-несота штатиде фермерлар ва овчиларга бир йилда 160 та бўри тутишга рухсат берилди. Бу вақтга келиб мамлакатда Аляска штатидан ташқари, тах-минан 1200 бўри ҳисоблан-ларди. Нима сабабдан Минне-сота штатидеги овланга рух-сат чекланди! Штат ҳокимла-рининг таъкидлашларича, қис-ман овланишга қарамай, бў-рилар миқдори бир неча йил-лардан бери, амалда йилдан-йилга доимий бўлиб қолмоқда. Бироқ, АҚШнинг балиқ манба-лари ва ёввойи табиатини ҳимоя қилиш хизмати бўри-ларини қопқон билан овланга мўддатидан илгари рухсат бе-рилган деб ҳисоблайди.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

«ҒИНГГ...»

(ҲАЖВИЯ)

Дастурхон атрофида қа-ришдишлар жамул-жам... «Олинг-олинг» бошланиб, олижаноб тановулга кириш-лади. На шўрваннинг шўрла-шини эшитиларди, на чой-нинг хўрлашини. Ўртага жимлик чўкди. Опоқ «мод-ний» ипак қўйлакки бир ёш аёл, афтидан ҳазил мўтойи-бачи аммалардан бўлса ке-рак, деди:

— «Ғингг» деган овоз эшитилмай қолди, ҳаммала-рининг қоринларинг оч эканда.

— Меники тўқ! — деди бир йилгит, — мен ҳозир «Ғингг» дейман, тўғирогини ғинггиллайман.

У кафтини очиб, бир катта пашшани қўйиб юборди. Пашша «Ғингг-Ғингг» этиб, дастурхон тепасини айланиб, ғойиб бўлди. Ҳамма ичка-ла узишудек бўлиб қолиш-ди.

— Қандай қилиб, пашшани ғинггиллатасан? — деди бир қариндош, — мен ҳеч ғинг-гиллатолмайман.

— Бу бир сир... — деди ғинггиллатган.

— Вой, сир бўлмай даф

бўлсин! — деди онладан катта хола тага аралашиб, — шу кунларда шундай пашша қўлайитики, тишим, йўқлиги учун оғзимни очгани кўрқаман, пашша кириб кетади деб.

— Нима сабабдан пашша қўлайиб қолдики? — деди бир ёш йилгит.

— Эй, ука, — деди улуг ёшдан бир киши, — ахлат ташланадиган жойлар қўла-йиб қолди. Бунинг сабаби эса — дангасалик! Бир катта олим: «Иисонинг табиятида мавжуд бўлган энг катта камчилик — дангасалик, ял-қовлик» деган натижа чи-қарибди. Ахлат машинаси келганда эринишиб, чиқиб-майди одамлар. Тўққиз қа-ватли иморатлардаги мусор-проводлар эшитини қаттиқ-роқ беркитиб ёки қўлфлаб қўйишга эринашади. Натижа-да ахлат ташқарига сочилиб ётади.

Шу пайт ахлат машинаси сигнали эшитилди.

— Ана келди, — деди ўтирганлардан бири, — сен чиқиб ахлатларини ташлаб кела қол.

— Ох, ох! — деди у, — энди маза қилиб турувдим, — ичимга овқат иссиқ-иссиқ

кирмаса, овқат егандай бўл-майман...

— Сен чиқиб келақол бўлмаса!

— Эҳ-эҳ, оёқяланг ўти-рибман, поёбазлини кийи-нимча қанча вақт керак?

Яна бир-иккиталар ҳар хил баҳона топишди. Охири, оқ ипак қўйлакки аммага навбат келди.

— Вой, сизларни қаранг-лар-у, — деди у, — бу оқ қўйлакни бутун ательедан олиб кириб чиққан эдим. Ах-лат челагини кўтариб жинни бўппамин, оппоқ қўйлак би-лан...

— Ундай бўлса, — деди бир оқсоқол даст ўрнидан туриб, — сиз оппоқ қўйлак би-лан чикмасангиз, бошқалар ҳам кўнмаса, мен оппоқ со-қолим билан чиқиб келақо-лай?

Шу пайт ахлат машина жуъиб кетишга сигнал берди.

— Ўтириг, оқсоқол! — деди бир олифта ёш йилгит, — машина кетди, энди орқаси-дан югурангиз ҳам етолмай-сиз.

У оқсоқолга чой узатиб туриб, пиёгани дингиллатди. Бояги пашшабоз яна кафти-даги пашшани ғинггиллатди. «Ғингг... Ғингг...»

Мадамин ДАВРОН.

Келинг, бир қилишайлик

ҲИНД ЮМОРЛАРИ

Полиция инспектори: — Қачон ва қандай қилиб ўғирлагини бу соатларни! Уғри:

— Жаноб инспектор, қандай қилиб ўғирлагини ҳеч ким-га ҳеч қачон айтмайман. Бир

роқ сизга жуда ҳам керак бўлса, 10 рупия тўласангиз, бажонидил айтиб бераман.

Бемор: — Доктор, сизнинг бемо-рингиз тўзалиб кетди. Нера

бунча ўйга толасиз!


Доктор: — Унга қайси дори фойда қилди экан деб ўйлапман.

Т. ҚУЧҚОРОВ тайёрлаган.

ТУРСОЯ ОЛАМ

● ҚУДУҚДА... ЧОЙ

Аргентинанинг Эдуардо Кастекс шаҳри чеккасидаги унча катта бўлмаган қишлоқ-лардан бирининг аҳолиси икки ой мобайнида чойни бепул ис-теъмол қилишди. Улар бу хушбўй ичимликни тўғридан-тўғри қудуқдан олишди. Ава-лига бунинг сабабини ҳеч ким тушунтириб беролмади. Кейин маълум бўлишча, полиция-чилар қишлоқдан бир кун и-омбордан чойли иккита тойин ўмарган ўғирлар изига тушган экан. Аммо қонун посбонлари машинани тўхтатишганда йў-қолган нарсалар топилмаган эди. Ўғирларга қарши бевоси-та ҳеч қандай даъил бўлма-ганлиги сабабли улар қўйиб-юборилган эди. Бинобарин, улар худди шу «чойли қудуқ» ёнидан ўтишган эди. Бун қар-англик, тадбиркор ўғирлар ю-қини қудуққа ташлаб юбо-ришган экан.



● «САЪВАЛАР КОНСЕРВАТОРИЯСИ»

Югославиянинг Призрен шаҳрида бир неча йиллардан буюн гаройиб билим юрти-фолият қўрсатмоқда. Ҳозир-ги пайтда у жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида маълум ва машҳурдир. Қушлар ихлос-мандлари эса кўпича ун «саъвалар консерваторияси» ҳам дейишади. Одатдаги кон-серваториялар сингари бу ер-да ҳам кириш имтиҳонлари мавжуд. Саъваларга магнито-фон лентасига ёзилган сайро-қи қушлар наъмаси эшиттири-лади.

Сўнгра жюри ҳайъати қуш-ларнинг маъмуркор наъмаси-ни беҳато тақорлаган қуш-ларини танабб олдишади.



● СОЧ БУЮРТМА БҮЙИЧА

Тўқилган сочин қайта тик-лаш муаммоси устида дунё-нинг жуда кўп мутахассслари шугулланмоқда. Бироқ шу пайтга қадар биров иккити натижасига эришмаган эмас эди. Мана қиёда глаголик (Буюк Британия) косметолог — Дэ-вид Гордон ўзининг янги ус-луби соч тўқилишига қарши курашда самара бершиш му-мкинлигини маълум қилди.

Бу услуб донор сочин бошқа одамникига қўйиб ўт-казишни таъқиқ этади. Бун-дай операцияга розилик бил-дирган миқдорлар бўлмажк причёскага онд барча зарур тўқислар: соч ранги, улар-нинг тартиби, қалинлиги ва узунлигини аниқлаш учун мах-сус мослама ёрдамида «мута-носблик» бўйича медицина кўрғи ўтказилади. Гордоннинг фикрига кўра, сочлари бутунлай тўқилиб кетган ки-шиларга уларни қайтара ол-маслиқ янги услубнинг ягона камчилиги эмас.



● ҚУЕН ҚУТҚАРИЛДИ

Приморье тоғ-бойитиш ком-бинати ҳайдовчиси А. Савен-ков бир қўенини ҳалокатдан қутқариб қолди.

Оғир юк ортилган КамАЗ тоғ довоини сари ўрмаларди. Қўенилаганда йўл чеккасида бир қўен пайдо бўлди ва ке-ин йўл бўйлаб машина ру-парасида олдинга қараб чопа бошлади. Шу даъда ҳайдовчи боғи қўен ўтган йўл чеккаси-дан мушук ёки бароқ итга ўхшаб галати ҳайвон югуриб ўтганини сезиб қолди. Синч-ковлик билан разм солган Са-венков, унинг баҳаббат сילו-син эканлигини пайқайди.

● БЕШ ЯШАР РАДИСТ

Радиоҳаваскорлик — ҳозир-ги пайтда Япониядаги энг за-монавий ва кенг тарқалган машғулотлардан бири. Бироқ эфирга чиқидан илгари, мах-сус курсда таълим олиш за-рур ва «хаваскорлик ҳуқуқи» ни олиш учун имтиҳон то-пириш лозим. Тайёрлаш курс-лари программасида радионинг немерлик, тўқилган назари-си, аппаратларини бошқариш ва бошқа техник соҳалар бў-йича лекциялар ўрни олган. Аммо сониқдан ўтмишга ҳаммо-қам муваффақ бўлавермайд.



Кунга боқар нимга боқар!

«ПАХТАКОР» ДА ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН БАЙРАМ

СССР халқлари IX ёғи Спартакиадасининг енгил атлетика мусобақалари Тошкентда ўтказилди. Шахримиз спорт жамоатчилиги, санъат намоёндалари беллашуларга шарт берилган кунини спорт ва маданиятнинг равишнинг ёрқин байрамга айлантиришга ҳозирлик кўришмоқда. Бу йилги Спартакиада Улуг Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилмаётган. Бинобарин, шу йиллар мобай

нида республикамизда юз берган ўзгаришларини ёрқин намоён этиш аниқ мўддо. Спартакиада ташкилий комитети аъзоларининг фикри, фаолияти ана шу мақсадга йўналган. Байрам тантанасининг бош режиссёри, эстрада цирк санъати республика студиясининг директори Наталья Михайловна ВАРЮХИНА билан бўлган суҳбатимизда ҳам шу руҳ сезилиб турди.



жалб қилинмоқда. Тасаввур этинг: спортчиларнинг бахслари, рақоси ва хонандаларнинг чиқишлари, полвонларнинг беллашувлари, тош кўтариш бир вақтнинг ўзида кўз олдингизда намоён бўлади. Бу гоёт таъсирчан ва қизиқарли. Биз учун эса мураккаб вазифа. Ниятимиз уни яхши урдалаш. Бутун ҳаракатимиз, фикримиз шунга қаратилган.

Спартакиада ташкилий комитети барча ишларимизга бош-қош бўлиб турибди. Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитети, республика Давлат спорт комитети, Маданият министрлиги, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети, корхоналар актив ёрдам беришмоқда. Байрам программаси тобора кенг мазмун касб этиб бормоқда. Иш шундай бора 14 сентябрда бўладиган асосий репетиция ва 16 сентябрдаги байрам тантанаси кўнгилдагидек ўтишига ишончимиз комил.

Суҳбатни
М. ОТАХОНОВ
ёзиб олди.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

26 АПРЕЛЬ 1966 йил



СССР халқларининг буюк дўстлиги қудрати ҳар қандай нарсани енгилга қодир. 1966 йил 26 апрель кунини рўй берган Тошкент элчиласи оқибатларини тутатишда, янги Тошкентни бунёд этишда ана шу дўстлик қанчалик қудратга эга эканлиги яна бир бор намоён бўлди.

СУРАТДА: Жасорат монументи.

Р. Шарипов фотоси.

реклама эълонлар реклама



ТОШКЕНТ
РЕСПУБЛИКА
ОТЧОПАРНИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ОТ СПОРТИ
МАРКАЗИ ҲИСОБЛАНАДИ.
СИЗЛАРИНИ

7, 14, 21, 28 СЕНТЯБРЬ,

5, 12, ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

СОАТ 11.00 ДА БЎЛАДИГАН

МУСОБАҚАЛАРНИ ТОМОША ҚИЛИШГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ


МУСОБАҚАЛАР ПРОГРАММАСИ:

АНЪАНАВИЙ ВА БОШҚА СОВРИНЛАР УЧУН ПОЙГА Мусобақаларда Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР ва РСФСР колхоз-совхозлари, от заводларининг энг яхши тулпорлари қатнашади. ОТ СПОРТИ ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙНАЛАДИ Бир пойгада иштирок этувчи билетнинг баҳоси — 1 сўм. ҲАВАСКОР ЧАВАНДОЗЛАР УЧУН ПРОКАТ ПУНКТИ ИШЛАЙДИ.

Прокат пункти йил бўйи (душанбадан ташқари) хизматини ўтади. Корхоналар, олий ва ўрта ўқув юртлири ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари билан шартномалар тузади. Йўргани бир соатга прокатга олиш баҳоси 3 сўм.

ЭНГ ШОДИЕНА ВА ТАНТАНАЛИ КУНИНГИЗДА 4 ўринли, ўчоқ қўйилган РУС АРАВАСИДА САЙР ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Бир соатга 20 сўм ҳақ тўланади. 8 ўринли файтонда бир соат сайр қилиш баҳоси — 10 сўм. Энг кичикнотой меҳмонлар учун болалар файтомини тавсия этамиз. Билет баҳоси 30 тиини.



ОТЧОПАРДАГИ «БЕГА» РЕСТОРАНИ СОАТ 12 ДАН 23.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ. танаффус соат 17 дан 18.00 гача. Прокат соат 10 дан 18.00 гача очилди. ОТЧОПАР ТЕРРИТОРИЯСИДА ЯҚШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 12.00 ГАЧА САНОАТ ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, метронинг «С. Раҳимов» станцияси. (153, 172, 173, 180, 448-автотуслар; 17-трамвай, 1-«Қўйлиқ» — Калинин район маркази) маршрути таксининг «Тошкент отчопари» бекати. Телефонлар: 76-76-28, 76-75-47.

ТОШКЕНТЛИКЛАР
ВА ПОЯТАХТИМИЗ
МЕХМОНЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!
28-«ДРУЖБА»

МАГАЗИН - КЛУБИДА
8 сентябрь соат 17.00 да
БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КИТОБЛАРИ
ДЕКАДАСИ

ОЧИЛАДИ

Декада программасида шоирлар, ёзувчилар билан учрашувлар, болгар ёзувчиларининг китоблари намоиши, китоб ярмаркаси бор. Магазин - клубга марҳамат қилинган!

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 40 - уй. «Ташкин» шаҳар китоб савдоси идораси.

«ПАХТАКОР»
МАРКАЗИЙ
СТАДИОНИДА
9 СЕНТЯБРЬ
СОАТ 19.30ДА
СССР Биринчилиги учун
«ПАХТАКОР» (Тошкент),
«АСК» (Хабаровск)
командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ИШКИБОЗЛАР
ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган. КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ТУШИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.



ЗИЙНАТ
БУЮМЛАРИ

МАРКАЗИЙ
УНИВЕРСАЛ
МАГАЗИНА

6 сентябрдан 9 сентябргача

АЕЛЛАР ЗИЙНАТ
БУЮМЛАРИНИНГ
САВДО-КУРГАЗМАСИ
ЎТҚАЗИЛАДИ

Савдо-курғазмасида зина рақслар, узуклар, осма тақинчоқлар йиғиндиси ва алоҳида намуналари, шунингдек, корунд, фианит, ҳақин, марварид кўзи ва ёқутсиз занжирли ҳамда нақшин гулли биллакузуклар сотувга қўйилган.

ЦУМ (телефон 56-77-91).



ҚИШ ФАСЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ЦУМ, ГУМ, «ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ, «ЧИЛОНЗОР» ЦУМИДА ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ПАЛЬТОЛАРИНИНГ РАНГ-БАРАНГ НОМУНАЛАРИ САВДОГА ҚЎЙИЛГАН.

«ҚИЗИЛ ТОНГ» БИРЛАШМАСИНИНГ УЧТА МАВСУМБОП ВА УЧТА ҚИШКИ ПАЛЬТОЛАРИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:



МАВСУМБОП ПАЛЬТО: бир еқлама тугмалли, кўкрак бурма ва қотирма ёқали. Йўғон ийдан безакли «чоллар» тикилган.

МАВСУМБОП ПАЛЬТО: қайтарма ёқали. Енги манжет безаги билан ажраллиб туради.

МАВСУМБОП ПАЛЬТО: Ёқаси асл мўйнали. Енгида банди бўлиб унга тугмача қадалган.

ҚИШКИ ПАЛЬТО: бир еқлама тугмалли, ёқаси мўйнали. Металл фурнитура пальтони безаган.

ҚИШКИ ПАЛЬТО: сунъий мўйнадан тикилган. Застежкаси беркилиб туради. Ёқаси қотирма. Мўйнаси сидирга рангли ва йўл-йўллик.

ҚИШКИ ПАЛЬТО: ёқаси мўйнали. Ён чўнтақлари тикилган жойлар қавариқли ва чиройли безакланган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

ЛЕНИН РАЙОН АҲОЛИСИ
ВА ПОЯТАХТИМИЗ МЕХМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
1986 йил сентябрь ойидан бошлаб ҳар ҲАФТАНИНГ ШАҲНАВА ВА ЯҚШАНБА КУНЛАРИ

ТЕМИРИЎЛЧИЛАР
МАДАНИЯТ САРОИИ
БОГИДА

ОММАВИЙ
САЙЛ ЎТҚАЗИЛАДИ

Сиз сайлда спорт ўйинлари ва кувноқ томошалар, бадий ҳаваскорлик коллективларининг концертлари томоша қиласиз, аттракционлар сизнинг хизматингизда бўлади.

САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ СИЗГА ЎЗ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТАДИ (кондитер, нусматлари, салқин ичимликлар, музқаймоқ, миллӣ таомлар тайёрланади). Саюат моллари ва совға буюмлари савдоси ташкил этилади.

КИЧКИНТОЙЛАР АРАВАЧАЛАРДА САЙР ЭТАДИЛАР. МУЛЬТИПЛИКАЦИОН ФИЛЬМЛАРИНИ КҲРАДИЛАР.

Транспорт: 80, 60, 25-автотуслар, 1, 2, 5, 8, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 17-троллейбуслар, метрода «Тошкент» станциясигача борилади.

«ПАХТАКОР»
МАРКАЗИЙ
СТАДИОНИДА

14, 16 сентябрь соат 21.00 да СССР Халқлари IX Спартакиадаси программасидаги Енгил атлетика бўйича мусобақаларнинг тантанали очилишига бағишлаб

КАТТА
БАДИЙ-СПОРТ
БАЙРАМИ
ЎТҚАЗИЛАДИ

Енгил атлетика бўйича мусобақаларда Жаҳон ва Европа чемпионолари иштирок этади.

Байрам программасида қатнашадилар:

Бутуниттифоқ ва халқаро конкурсларнинг лауреатлари: Наталья НУРМУХАМЕДОВА, Мансур ТОШМАТОВ, Козим ҚАЮМОВ;

Хушовоз хонанда Насиба АБДУЛЛАЕВА

Халқаро ва Бутуниттифоқ конкурсларнинг лауреатлари «ЯЛЛА» вокал-чолгу ансамбли

«САДО» вокал-чолгу ансамбли

Совет цирки етакчи артистларининг чиқишлари.

Стадион территориясида спорт товарлари ва совғаларнинг савдо ярмаркаси ташкил этилади.

Билетлар «ПАХТАКОР» марказий стадиони кассаларида сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкalar қабул қилинади.

Кассалар дам олиш куниси соат 10 дан 20.00 гача очилди. Справкалар олиш учун телефон 41-30-23.

«0-65» телефони шарофати

АГАРДА СИЗ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ УСТАЛАРИНИ УЙГА ТАКЛИФ ЭТИШ НИЯТИДА БЎЛСАНГИЗ БУНИНГ УЧУН «0-65» ТЕЛЕФОНИ РАҚАМЛАРИНИ ТЕРИШ КИФОЙ.

ГИЛАМЛАР ВА ПАЛОСЛАР, ДИВАНЛАР, КРЕСЛОЛАР ҲАМДА СТУЛЛАР «ЭЛЕКТРОШАМПИОН» МЕТОДИ БИЛАН ТОЗАЛАНАДИ.



Уй буюмлари, жиҳозларини кунта ва ҳар хил бахтерияларга қарши ишлов бериш уларнинг пурутдан кетишининг олдини олади ва аниқ чокда дезинфекциялайди.

ТОЗАЛАШ БАҲОСИ: ГИЛАМЛАР — 1 кв. м. учун 85 тиини.

КРЕСЛО — 1 донаси 1 сўм.

СТУЛЛАР — 1 донаси 50 тиини;

ДИВАН — 3 сўм.

КУЙГА ҚАРШИ ИШЛОВ БЕРИШ БАҲОСИ — 1 кв. м. учун 50 тиини.

УЙГА ЧАКИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ҲАҚ

50 тиини;

БУЮРТМА ТЕЗ БАЖАРИЛГАНЛИГИ УЧУН — барча ишлар қийматининг 50 проценти.

Ташкилотлардан пул ўтказиш йўли билан, ҳақ тўлаш шарти билан заявкalar қабул қилинади.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ

12-МАГАЗИНИ ЧОРЛАЙДИ

ТАЙЕР КИЙИМЛАР СЕКЦИЯСИДА

ЭРКАКЛАР УЧУН ил-тазлама ва аралаш матолардан тикилган узун ва келта енгил кўйлақлар; ил-тазлама ва жуи аралашган матолардан тикилган шимлар;

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН жозибали хонатлас, табий шойидан тикилган миллий кўйлақлар, табий ва сунъий шойидан тикилган замонавий кўйлақлар; ил-тазламадан тикилган катта размерли халатлар, туниги кўйлақлар.

ГАЗЛАМАЛАР СЕКЦИЯСИДА:

крепежини, креплоржет, сунъий шойи, хонатласлар сотувга қўйилади.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 54-уй метронинг «М. Горький» станцияси, 17, 18-троллейбуслар, 1, 24-автотусларнинг «Партия мактаби» бекати. Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, соат 14 дан 15.00 гача танаффус, душанба — дам олиш кунини.



КИНО

6 СЕНТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ОНА МУҲАББАТИ» — Санъат саройи (16, 18.30, 20.40 телефони 44-21-41). Чайка (16, 18.30, 21.00 телефони 76-06-20).
«ҚАХРАМОНЛИК УЧУН БИР ДАҚИҚА» — Искра (17.15, 20.00, телефони 39-14-59).
«МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН УЙИ» — Лисув номли (тоқ соатларда, телефони 96-34-02).
«АСР ШАРТНОМАСИ» — Қозғистон (12 дан бошлаб ҳар соатда).
«КАТТА САЙР» — Восток (16, 18.30, 21.00; телефони 19-14-61).
«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (16.30, 18.30, 21.00).
«ТЎНГИ УГРИЛАР» — Москва (тоқ соатларда, сўнгисеанс 20.45 да, телефони 33-05-01).
«222-РЕЙС» — Дружба (17, 20.00).
«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — Дружба (18, 20.00).
«МЕН СЕНИ ЭСЛАЙМАН» — Нукус (тоқ соатларда).

7 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР
«ОНА МУҲАББАТИ» — Санъат саройи (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40; телефони 44-21-44). Чайка (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефони 76-06-20).
«ҚАХРАМОНЛИК УЧУН БИР ДАҚИҚА» — Искра (12, 14.30, 17.15, 20.00; телефони 39-14-59).
«МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН УЙИ» — Лисув номли (тоқ соатларда, телефони 96-34-02).
«АСР ШАРТНОМАСИ» — Қозғистон (12 дан бошлаб ҳар соатда).
«КАТТА САЙР» — Восток (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефони 91-14-61).
«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13.30, 16, 30, 18.30, 21.00).
«КАСОФАТ ЯҚШАНБА» — Москва (тоқ соатларда, сўнгисеанс 20.45 да).
«222-РЕЙС» — Дружба (11, 14, 17, 20.00).

ДИҚҚАТ!

Иссиқлик тармоқларида профилактика ишлари олиб боришни мўносабати билан қуйидаги аҳоли яшаш пунктларида

ВАКТИНЧА ИССИҚ СУВ БЕРИШ ТЎХТАТИЛАДИ

8-10 сентябрь кунлари — Ц-13, Ц-14, Ц-15, Ц-17, Ц-18, Ц-26, Ц-27 кварталларида; Беруний кўчаси, Студентлар шаҳарчаси, Медиклар шаҳарчаси, Чимбой массивида;

11-13 сентябрь кунлари — Авиасозлар шаҳарчаси, Охангарон шоссесидида;

15-17 сентябрь кунлари — Чилонзор массивининг 6, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, Г-9 а кварталларида; Домбробод массивида;

18-20 сентябрь кунлари — Қўйлиқ массивининг ҳамма кварталларида;

22-24 сентябрь кунлари — Юнусовнинг Қорақамий массивининг ҳамма кварталларида, Олмазор кўчасида;

25-27 сентябрь кунлари — Сергели массивининг ҳамма кварталларида.

«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» КОРХОНАСИ.

ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАШПЛОДООВОШЧ» бирлашмасининг Ҳамза район улгури-чакана савдо кентораси

ТУГАТИЛДИ Ҳамма давровлар 15 сентябргача қабул қилинади.

ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Октябрь районидидаги колхоз бозори территориясида жойлашган

8-ДОРИХОНА

17-18 турар жой массивига («Ганга» магазини қарши-сида)

КУЧИБ УТДИ

«ТАШГОРОХОТОБ-ШЕСТВА» ПРАВЕЛИНИСИ

(Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 38-уй) Ўзбекистон бадалларини тўлаш мўддати 31 декабргача эканлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ Аъзолик бадалларини ўз вақтида тўламаганлар ов милтиги олиб юриш, овга чиқиш ва балиқ овлash ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Тошкент политехника институтини номидида Саломов Курвонали номли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55, 37, 32-53-83; саноат ва кўришлиш — 32-57-84; шахар ҳўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95; 32-55-32; халқаро — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.